



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН  
МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

# ИЛМИЙ МУНОЗАРА: МУАММО, ЕЧИМ ВА ЮТУҚ

Республика илмий-амалий  
анжумани материаллари  
Тошкент – 2017йил 3-май





<b>ОДИЛЖОН С.</b> ҒАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ МЕРОСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АМИЯТИ..	74	✓
<b>ШИРИНОВА Р.Х.</b> ТАРЖИМАДА КОГНИТИВ ДИССОНАНСНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ.....	78	
<b>TURSUNBOYEV B.</b> ASLIYMONAND SO'Z TANLASH - TARJIMA AMALIYOTINING MUVAFFAQIYATI.....	84	
<b>TURSUNBOYEV B.</b> SINXRON TARJIMA JARAYONIDA UCHRAYDIGAN AYRIM MUAMMOLARGA DOIR.....	86	
<b>АБДУЛЛАЕВА Н.Э.</b> МАҚОЛЛАРИНИНГ ПРАГМАТИК ВАЗИФАСИ.....	87	
<b>АСАТОВА Г.Р.</b> УСТНЫЙ ПЕРЕВОД, ЕГО УРОВНИ, ВИДЫ И ОСОБЕННОСТИ.....	89	
<b>АТАЕВА Т.К.</b> ИНТЕРНАЦИОНАЛ ФРАЗЕОЛОГИЗМЛАРИНИНГ ТУРЛАРИ.....	91	
<b>АХРАРОВА Ф.Б., АХМЕДОВА Г.Б.</b> ТАРЖИМАНИНГ ТЕРМИНОЛОГИК АҲАМИЯТИ.....	92	
<b>ЗОИРОВА Ш.</b> ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРИНИНГ СЕМАНТИК ВА СИНТЕТИК ТУРЛАРИ.....	94	
<b>ИНОГАМОВА Н.Р.</b> ОСОБЕННОСТИ ПЕРЕВОДА ФРАЗЕОЛОГИЧЕСКИХ ЕДИНИЦ В.....	96	
<b>ҚУРБОНОВА Г.С.</b> ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАР ВАРИАНТЛИЛИГИНИНГ МЕЪЗОНЛАРИ.....	97	
<b>ҚУРБОНОВА Г.С.</b> ФРАЗЕОЛОГИЯ ТИЛ ЎРГАНИШНИНГ ОНОМАСТИК ПАРАДИГМАСИ ДОИРАСИДА.....	98	
<b>НАРТАЕВА М.</b> ТАРЖИМАДА КОММУНИКАТИВ ФУНКЦИЯЛИ ТАСВИР ВОСИТАЛАРИНИ ТАНЛАШ.....	100	
<b>РАХИМОВА М.А.</b> СТИЛЬ РЕКЛАМНЫХ ТЕКСТОВ ВО ФРАНЦУЗСКОМ ТЕЛЕВИДЕНИИ.....	102	
<b>ТУРАМУРАТОВА И.И.</b> ОТРАЖЕНИЕ ХУДОЖЕСТВЕННОЙ КАРТИНЫ МИРА В ПОЭТИЧЕСКОМ ТЕКСТЕ.....	103	
<b>ШАМУРАТОВА Г.Ю.</b> ТАРЖИМАДА ГРАММАТИК ҚУРИЛМАЛАРИНИНГ ЎЗИГА ХОС МИЛЛИЙ-МАДАНИЙ ЖИҲАТЛАРИ.....	104	
<b>ШОДИЕВА Л.</b> ИЖТИМОЙИ-СИЁСИЙ АСАРЛАР ТАРЖИМАСИДА ФРАЗЕОЛОГИК БИРЛИКЛАРНИ БЕРИШ ЙЎЛЛАРИ.....	106	
<b>ЮЛДАШЕВА Д.</b> UN GENRE EN EVOLUTION CONSTANTE DANS LA TRADUCTION AUDIOVISUELLE.....	108	



ғояси, маъносини унга етказиш ниятида қисқартирган, холос. Таржималардаги айрим камчиликлар нафақат А.Қодирийнинг таржимонлик фаолиятига, балки 20-30- йилларда ижод қилган деярли барча ўзбек таржимонларига хос бўлган. Бу пайтда янги давр ўзбек бадиий таржимачилиги ўзининг илк қадамларини кўяётган бўлиб, ҳали ўзбек таржима назариясига қўл урилмаган, унинг метод ва тамойиллари ишлаб чиқилмаган эди. Ҳатто таржима амалиётига оид қўлланмалар, адабиётлар ҳам йўқ эди.

Шунга қарамай ўша даврда жаҳон адабиётидан А.Қодирий каби мутаржимлар амалга оширган таржималар ўзбек халқи ҳаётида улкан маънавий-маърифий аҳамият касб этди. Бу таржималар XX аср ўзбек адабиёти равнақида ва, хусусан, насрий жанрлар тараққиётида ҳам катта рол ўйнади. “Ўзбек адиблари рус ва жаҳон адабиётидан таржима қилиш давомида ўзлари ҳам янги реалистик проза, драматургия, новелла ёзиш сирларини ўргана бошладилар. Натижада ўзбек таржима адабиётининг туғилиш ва шаклланиш жараёнида ўзбек адабиётида ҳам Европа типигаги реалистик проза намуналари, драматик асарлар пайдо бўла бошлади”.

#### Адабиётлар:

1. Пулатов Ю. Зарубежная литература в Узбекистане и переводы новелл Ги де Мопассана. Автореф. дисс. кан. филол. н. -С., 1963.
2. Ширинова Р. Диний реалияларни бадиий таржимада қайта яратишнинг айрим тамойиллари (француз адабиётининг ўзбекча таржималари мисолида). Филол.ф.ном. дисс. автореферати. -Т., 2002.
3. Динга қарши бадиий асарлар. -Т.: ЎзДаврнашр, 1941.
4. В тени слово. Телеканал “Культура”, 12 ноябрь 2008.
5. Доде А. Рассказы по понедельникам. -М., 1987.
6. Владимирова Н.В. Таржимачиликнинг маҳорат мактаби // Фан ҳақида суҳбатлар. -Т.: Ўзбекистон, 1989.
7. Ўзбекистонда бадиий таржима тарихи. - Т.: Фан, 1985. -Б.76.

Сафаров О.

Ф.ф.н. доц. ЎзДЖТУ

### ГАЙБУЛЛОҲ АС-САЛОМ МЕРОСИНИНГ МОҲИЯТИ ВА АҲАМИЯТИ

Ўз юртдарида таржима илмига энг кўп ҳисса кўшганлар, руслардан Андрей Фёдоров, чехлардан Иржи Левий, французлардан Жорж Мунин, немислардан Отто Каде (собик ГДР), Волфрам Виллис (ГФР), инглизлардан Жон Кэтфорд, канадаликлардан Питер Ньюмарк, америкаликлардан Южин Найда, венгерлардан Эмил Сабо, бразилияликлардан Бразилио Силвейра, швейцарияликлардан Вернер Коллер, австрияликлардан Мэри Снелл Ҳорнбай, болгарлардан Сидер Флорин, словаклардан Антон Попович, грузинлардан Гиви Гачечиладзе, озарбайжонлардан Байрам Хорун ўғли Тоҳирбоев бўлса, ўзбеклардан ҳеч шубҳасиз Ғайбулла Саломовдир.

Юртимиз мустақиллиги даврида Ғайбуллоҳ ас-Салом деган асл номи билан аталишни маъқул билган бу олим ва инсон ўз соҳасида хорижлик ҳамкасбларининг кўпи эриша олмаган натижаларга ҳам эришган. Улардан хабардор бўлиш, кўпчилик учун фойдадан холи эмас. Шу нуқтаи назардан юқорида қайд этилган мавзудаги иш **долзарб аҳамиятга молик**.

Ундан кўзланган **мақсад**, Ғ. ас-Саломнинг мероси нималардан иборат эканлигини аниқлаш, уларнинг моҳияти ва аҳамиятини атрофлича ёритиш.

Менга 1993-йилнинг 12-декабридан, собиқ ТошДУ (ЎзМУ) аспиранти, профессор Ғ. Саломовга шогирд бўлганман. 1999-йилнинг 17-декабрида эса “Олмон таржимашунослигида ҳерменевтик таржима ва скопос (мақсад) назарияси масалалари”



мавзуидаги номзодлик диссертациям химоясидан кейин, устознинг илмий даражали шогирдлари каторига кўшилганман.

Бу орада ДААД (Немис Академик Алмашув Хизмати) стипендиати сифатида, бир йил (01.10.1995 – 01.10.1996) Берлин университетига илмий-тадқиқот ишларимни олиб боришимга ҳам тўғри келган.

Шогирд сифатида кўп нарсани устоздан сўраб, маслаҳатларига амал қилиб ўргандим. Сўрай олмаганларимни ёзган китоблари-ю, мақолаларидан топдим. Шу боис азиз устозим ҳақида, унинг илмий-ижодий ҳамда педагогик фаолияти ҳақида мулоҳаза юритишга ҳақли бўлсам керак, деб ўйлайман.

Химоямдан бир ярим ой ўтгач, 2000-йилнинг 31-январиди, Ғ. ас-Салом вафот этгани, ҳаммамиз учун катта жудолик бўлган. Ўшанда адабиётшунос олим, профессор Сайди Умировнинг ташаббуси билан “Ғайбуллоҳ ас-Салом замондошлари хотирасида” сарлавҳали китобни тайёрлашга киришилганди.

Айрим сабабларга кўра, бир оз кечроқ (2002-йилда) чоп этилган ўша китобга Эркин Воҳидов, Иброҳим Ғафуров, Асил Рашидов, Муҳаммад Али, Тўхтамурод Бобоев, Турсуной Содикова, Мирзо Кенжабек, Исроил Мирзаев, Ҳамдам Исмоилов, Сайди Умиров, Ислом Шоғуломов, Неъмат Аминов, Ҳасан Қудратиллаев, Карим Норматов, Тўлқин Эшбек, Орзикул Эргаш, Раҳмонкул Орзибеков, Маҳмуд Сатторов, Ўқтам Мирзаёр, Эшмуҳаммад Қодиров, Лутфулло Маҳмуд, Садриддин Салим Бухорий, Муҳаммад Юсуф каби шоир, ёзувчи ва таржимонларнинг, давлат ва жамоат арбобларининг, турли нашриёт ходимларининг, устознинг қизлари Назира опа ва Гуландом опа, шогирдлари Ҳамидулла Кароматов, Нажмиддин Комилов, Абдусалом Умаров, Зухриддин Исомиддинов, Салим Жабборов, Пошали Усмон, Муҳаббат Бақоева, Адҳамжон Эргашев, Комилжон Жўраевники каторида менинг ҳам мақолам киритилганди.

“Мангу мерос” сарлавҳали ўша мақолам хулосасида шундай ёзгандим:

“Мазкур илм қай даражада тараққий этишидан қатъи назар, авлодлар Ғайбуллоҳ ас-Салом меросига қайта-қайта мурожаат этишларига ва азиз устозимизнинг табарруқ номини мудом улуғлашларига ишончим комил.” [4:71]

Бироқ бу мулоҳазада аниқликлар киритилиши лозимлигини назарда тутиб, устоз меросини олти йўналишга бўлган ҳолда, талқин қилишни лозим топдим. Улар куйидагилар:

- Ўзбекистонда таржима илми **фан** сифатида ўқитиладиган бўлгани;
- Ғ. Саломовнинг соҳа бўйича **чоп эттирган** ишлари;
- Ғ. Саломов **илмий раҳбарлигида** бажарилган ишлар;
- “**Таржима санъати**” мақолалар тўпламига тегишли ишлар;
- Ўзбек таржимашунослиги **халқаро миқёсдаги** эътироф этилиши;
- Ғ. ас-Саломнинг **илмий-оммабоп** ва **танқидчилик** фаолияти.

Энди шу йўналишлардан **биринчиси** ҳақида мулоҳаза юритадиган бўлсак, Ғ. Саломовда таржима масалаларини ўрганишга қизиқиш, Алишер Навоий номли Самарканд Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олиб юрган пайтларидаёқ (1951-1956) пайдо бўлган.

Кейин у мазкур соҳадаги изланишларини Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Тил ва адабиёт институти илмий ходими ва аспиранти сифатида давом эттиради.

Ўша пайтларда жаҳон миқёсидаги таржима ишларини илмий асосга кўчириш борасидаги саъй-ҳаракатлар кучайган ва бу борадаги асосий мақсад, таржима илмини фан сифатида ўқитишни ташкил қилиш бўлган. Бироқ бу ишни шу соҳага тегишли **малакали** ходимлар ва **ўқув материалларисиз** амалга ошириб бўлмасди.

Мана шундай шароитда Ғ. Саломов “Бадий таржиманинг лексика-фразеология масалалари. (Ўрисчадан ўзбекчага мақол, матал ва идиомаларни ўгириш тамойиллари)”



мавзуидаги **номзодлик** диссертациясини ҳимоя қилишга муваффақ бўлган (1964) ва ўша пайтдан асосий мақсадга эришишга қаттиқ интиланган.

Унинг интилишлари натижасида, 1969-йил октябрида Мирзо Улуғбек номидаги собиқ ТошДУнинг (ЎЗМУ) журналистика факультетида **таржима назарияси ва таҳрирнашриёт ишлари** кафедраси очилган. Дастлаб шу кафедранинг мудирини вазифасини бажарувчи этиб тайинланган Ғ. Саломов, 1970-йилдан уни кафедра мудирини сифатида бошқарадиган бўлган.

Кейин Ғ. Саломов ўз фаолиятини шу университетнинг роман-герман филологияси факультетида давом эттиради. 1982-йилда “Адабий анъаналар ва бадиий таржима проблемалари” мавзуидаги **докторлик** ишини Москвада ҳимоя қилиб, ўз соҳасининг етук мутахассисига айланади.

Юртимиз мустақиллиги йилларида устоз фаолият юритган факультет хорижий филология факультети, деб аталадиган бўлган. У киши умрининг охиригача шу факультетдаги таржима назарияси кафедрасининг мудирини лавозимида фаолият кўрсатган.

Ғ. Саломовнинг **иккинчи** йўналишдаги ишлари унинг **мақолалари, ўқув дастурлари, ўқув кўлланмалар, дарсликлар, монографиялари** билан боғлиқ. Масалан, устоз “Ўрисчадан ўзбекчага бадиий таржиманинг баъзи масалалари хусусида” (1957), “Мақол, матал ва идиомаларни таржима қилиш масаласига доир” (1961), “Тил ва таржима” (1966), “Таржима назариясига кириш” (1978), “Таржима назарияси асослари” (1983), “Таржима ташвишлари” (1983), “Матн, таржима ва истилоҳ” (1989) каби салмоқли китобларни ўзи тайёрлаган бўлса, “Таржима асослари”ни шогирди С. Аъзамов билан (1976), “Дўстлик кўприклари”ни Н. Комилов билан (1979), “Таржимон маҳорати”ни Н. Комилов, З. Салимова, К. Жўраев, Н. Отажонов билан (1979), “Жаҳонгашта “Бобурнома”ни Н. Отажон билан ҳамкорликда тайёрлаб нашр эттирган (1996).

Ғ. Саломовнинг ўзи “Таржима назариясига кириш” (1978), “Таржима назарияси асослари” (1983) номли китоблари ҳақида билдирган қуйидаги мулоҳаза ҳам эътиборга лойиқ. “Шу хилдаги “Кириш” ва “Асослар” беш мамлакатда чоп этилган. Германия, Франция, Польша, Россия, Ўзбекистон. Менинг қаламимга мансуб мазкур жиддий нашрларнинг мароқ билан ўқилиши сири шундаки, уларда жуда ноёб маълумотларни териб-тергилаб, саралаб, хиллаб берганман”. [3:33]

Таржимашунос профессор Муҳаммаджон Холбеков эса 2012-йилнинг июнида, Ўзбекистон ёзувчилари уюшмасида таржима амалиёти бўйича ўтган йиғилишда, Ғ. Саломовнинг **385** бетли “Тил ва таржима” китоби ҳақида фикр юритиб, шундай деганди: “Бу китоб шундай яхши ёзилганки, агар унинг муаллифи ўзидан фақат шу китобни қолдирганида ҳам, шунинг ўзи у буюк таржимашунос сифатида эътироф этилиши учун етарли бўларди”.

**Учинчи** йўналишга ўтадиган бўлсак, устознинг илмий раҳбарлигида 53 киши фан номзоди, улардан 5 нафари фан доктори даражасига ҳам эришган. Кўпинча бир шогирдга раҳбарлик қилишдан кўра, бир каттагина китоб ёзиш афзалроқ эканлигини кўз олдимизга келтирадиган бўлсак, Ғ. Саломов бу жабҳада қандай маънавий жасорат кўрсатганлигини тасаввур қилиш қийин эмас.

**Тўртинчи** йўналиш Ғ. Саломовнинг юртимиз Ўзбекистонда “**Таржима санъати**” мақолалар тўпламини тайёрлашдаги фаоллиги орқали намоён бўлган. Турли йилларда (1961, 1973, 1976, 1978, 1980, 1985) чоп этилган олти китобнинг масъул муҳаррирлиги вазифасини ҳам Ғ. Саломов бажарган. Ёзувчи-шоир таржимонларни, адабиётшунос ва таржима тадқиқотчиларни ўз атрофида бирлаштирган бу тўплам, юртимиз илму-ижод аҳлида таржимавий тафаккурни тўғри шакллантириш ва тараққий эттиришда муҳим аҳамият касб этган.

**Бешинчи** йўналиш, ўзбек таржимашунослиги халқаро миқёсда эътироф этилиши, ҳам Ғ. Саломовнинг илмий-ижодий ва педагогик фаолияти билан боғлиқ бўлган.



Масалан, В. Россельс чех таржимашуноси Иржи Левийнинг «Искусство перевода» китобида, унинг русча таржимони сифатида, ёзган сўзбошисида, бу ҳолни шундай эътироф этади: «Помимо исконных культурных метрополий Москвы и Ленинграда, теоретические центры возникли в Киеве, Тбилиси, Ташкенте и др., как это можно было наблюдать, например, на самом содержательном из всех имевших место симпозиумов по художественному переводу в Москве весной 1966 года». [2:31]

Ғ. Саломовнинг «Тил ва таржима» китоби шу йили чоп этилган. Бундан ташқари устоз таржима илми ва амалиёти бўйича халқаро микёсдаги кўплаб илмий конференциялар, йиғилиш ва тадбирларда иштирок этган. Шундай конференциялар, йиғилиш ва тадбирларни Ўзбекистонда ҳам бир неча бор ташкил қилган. Натижада, у Халқаро таржимонлар федерациясининг раиси Пьер Франсуа Кайе, Озарбайжон таржимашуноси профессор Байрам Хорун ўғли Тохирбоев, Словакия Фанлар академияси профессори, адабиётшунос Диониз Дюришин билан, собиқ иттифокдаги ҳамкасблари ва деярли барча таниқли рус таржимашунослари, таржимонлари билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатган.

**Олтинчи** йўналишга ўтадиган бўлсак, олим ўнлаб бадиий асарларга, таржималарга тақризлар ёзган, муносабат билдирган. «Жаҳон адабиётининг ўзбек тилига ўгирилган бирор ноёб дурдонаси йўқки, Ғ. Саломов, унинг шогирдлари, ҳамкасблари муносабат билдирмаган, тадқиқот битмаган бўлсин. «Шоҳнома», «Манас», «Рамаяна», «Илохий комедия», «Фауст», «Декамерон», «Евгений Онегин», «Ревизор», «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина», «Абайнинг йўли», «Ок кема», «Асрга татиғулик кун»; Шекспир, Чехов, Достоевский, айтматов шоҳ асарларининг аксарияти, маданий ҳаётда воқеа бўлган бадиий, илмий, сиёсий публицистик асарларнинг кўпчилиги – бунинг ёрқин гувоҳи». [4:42]

Устоз юртимиз мустақиллиги даврида чоп эттирган илмий-оммабоп асарларга эътибор бериладиган бўлса, уларнинг деярли барига тил, адабиёт, адабиётшунослик, таржима ва таржимашунослик масалалари сингдириб юборилганига ишонч ҳосил қилиниши мумкин.

Бундай кенг кўламли салмоқли ишлар замирида қанча меҳнат, қанча изланиш, қанча вақт, қанча сабр-тоқату, фидойилик, илму-ижодга нақадар муҳаббат ва садоқат борлигини англаб олиш қийин эмас. Шу боис профессор Ғ. ас-Салом ҳақли равишда Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган фан арбоби унвонига, Халқаро Бобур мукофотига лойиқ, деб топилган. ЎзМУнинг хорижий филология факультетида эса, унинг серкирра ва ибратли фаолиятига оид масалаларни ўзида мужассамлаштирган музей ташкил этилган.

Албатта, Ғ. ас-Салом мероси ўзбек таржимашунослигининг бугуни ва келажаги учун муҳим аҳамиятга эга. Шу боис унга қайта-қайта мурожаат этиш орқали, тегишли хулосалар чиқарилиши мақсадга мувофиқ. Шу нуқтаи назардан юртимизда амалга ошириляётган айрим ишлар эътиборга лойиқ. Масалан, Тошкент давлат шарқшунослик институтининг катта ўқитувчиси ва тадқиқотчи Хайрулла Ҳамидов 2016-йилнинг бошида Ғ. Саломовнинг «Таржима назариясига кириш» китобини айрим ўзгартиришлар билан ва лотин ёзувида чоп эттиргани, айти пайтда эса устознинг «Тил ва таржима» китобини ҳам нашрга тайёрлаётгани.

2016-йилда республикамизда таржима илмига оид яна иккита муҳим китоб нашр этилгани ҳам қувонарли ҳолдир. Улардан бири, филология фанлари номзоди, доцент Ғанишер Раҳимовнинг «Таржима назарияси ва амалиёти» китоби бўлса, иккинчиси, филология фанлари доктори, профессор Муҳаммаджон Холбековнинг «Жаҳон таржимашунослиги анъаналари» деб аталган китобидир.

Кўп йиллик муҳокамалар натижасида, 2017-йилда «Таржима санъати» мақолалар тўпламининг 7-китобини чоп эттириш ҳам режалаштирилди.

Сўнгги йилларда республикамизнинг кўпгина олий ўқув муассасаларида Ғ. ас-Салом хотирасига бағишлаб илмий-амалий конференциялар ташкил қилинмоқда.



Масалан, бундай конференция таржимашунос олима, филология фанлари номзоди, доцент Раҳима Ширинованинг саъй-ҳаракатлари билан ЎзМУда олдинги йилларда ҳам ўтказилганидан кўпчиликка маълум.

Республикамизда таржима илми фан сифатида ўқитиладиган олий ўқув муассасалари сони эса йилдан-йилга кўпайиб боряптики, улар ҳақида алоҳида тўхтаб ўтишга эҳтиёж бўлмаса керак.

Бироқ шуни таъкидлаш лозимки, XX асрнинг иккинчи ярмида таржима илми жаҳон миқёсида алоҳида фан сифатида шаклланди ва тараққий этди. Бу фан шу даражада шиддат билан тараққий этдики, натижада, таржимага оид турли назариялар (лисоний таржима назарияси, бадиий таржима назарияси, реалистик таржима назарияси, махсус матнлар таржимаси назарияси, библия таржимаси назарияси, скопос назарияси, синхрон таржима назарияси, кетма-кет таржима назарияси ва х.) концепциялар, моделлар яратилди.

Айни пайтда булар таржимашунослик деб аталадиган фан доирасига киради. Шу боис у таржима назарияси тарзида ифодаланаётгани мантиқан тўғри эмас. Мазкур фан айрим манбаларда лингвистик таржимашунослик тарзида ифодаланган ҳоллар ҳам учрамоқда. Аслида бу ҳам тўғри эмас. Кимдир, - “Фалон китобда лингвистическое переводоведение, деб ёзилган-ку”, деб айтиши мумкин. Аммо буни ёзган муаллиф, кейинроқ ўз хатосини тушунган бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас.

Шу нуқтаи назардан Ғ. ас-Салом шогирди Н. Отажон билан тайёрлаган “Жаҳонгашта “Бобурнома”да қайд этилган куйидаги мулоҳаза ҳам эътиборга лойиқ: “Таржимашунослик бу қомусий фан. У ўз таркибига тарих, назария ва танқид, адабиёт назарияси, қиёсий адабиётшунослик ва типология, тил, грамматика, услубиёт, луғат, халқ оғзаки ижоди, атамашунослик, иборасозлик (фразеология), мақолшунослик, ва маталшунослик (паремиология; фалсафа, мантик, этнография, руҳшунослик (психология), баён ва иншо, матншунослик, мамлакатшунослик каби фанларни қамрайди”. [1:65]

Хуллас, бизларга буюк таржимашунос олим Ғайбуллоҳ ас Саломдан бебаҳо мерос қолган. Ундан оқилона фойдаланишимиз мақсадга мувофиқ.

#### Адабиётлар:

1. Ас-Салом Ғ., Отажон Н. Жаҳонгашта “Бобурнома. – Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1996.
2. См.: Левый И. Состояние теоретической мысли в области перевода // Искусство перевода. – М.: Издательство «Прогресс», 1974. (Перевод с чешского и предисловие В. Россельса).
3. Умиров С. Мавлоно Ғайбуллоҳ ас-Салом. – Т., Мулоқот, 1999. 33-б.
4. Умиров С. ва б. (нашрга тайёрловчилар). Ғайбуллоҳ ас-Салом замондошлари хотирасида. – Т.: Тошкент ислом университети, 2002.

Ширинова Р.Х  
ЎзМУ, доцент

#### ТАРЖИМАДА КОГНИТИВ ДИССОНАНСНИ КЕЛИБ ЧИҚИШ САБАБЛАРИ

Таржимада адекватликка эришиш учун бир қанча тил тўсиқларини енгиш ва муаммоларни бартараф этиш лозим. Худди шундай тўсиқлардан бири – когнитив диссонанс муаммосидир. Таржимада когнитив диссонансни камайтириш ва бартараф этишдан аввал унинг келиб чиқиш сабабларини аниқлаб олиш лозим. Биз бадиий таржимада диссонанс ҳодисаси келтириб чиқарувчи сабабларни 5 гуруҳга ажратдик.

##### 1) Билвосита таржима оқибатида содир бўлган диссонанс